Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 30-yanvar. Shanba • 13 (32.072) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ**

# ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

***ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш ҳар биримиздан катта масъулият, фидойиликни талаб этади***



Ўтаётган ҳар бир йилнинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқлари, воқеалари бўлади. Бу табиий, албатта. Аммо биз катта орзу-ниятлар, янги, янада улкан режалар билан кутиб олган 2016 йил юртимиз тарихининг ёркин саҳифаларидан бўлиб қолишига ишончимиз комил. Чунки жорий йилда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ байрами кенг нишонланади.

Ўтган даврда дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишдек улуғ мақсад йўлида эришилган улкан ютуқлар халқимизни янги, юксак марраларга руҳлантирмоқда. Биз нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳада, балки жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлат қуриш борасида ҳам дунё эътироф этаётган муваффақиятларга эришмоқдамиз.

**КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ**

Дунёдаги ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, кўппартиявийлик тизими юзага чиқмасдан профессионал парламент шаклланмайди.

Шунинг учун мамлакатимизда ўтган йиллар давомида кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш, ўз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириши учун уларга керакли ваколатларни бериш, парламентнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги ўрни ва мавқеини ошириш, давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати тамойилини таъминлаш йўлида улкан ислоҳотлар амалга оширилди.

Энг муҳими, бу жараён бир жойда тўхтаб қолмасдан, изчил давом эттирилмоқда. Натижада кўппартиявийлик тизими амалда рўёбга чиқиши, профессионал асосда ишлайдиган парламент шаклланиши учун тобора кенг йўл очилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонунлар, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида узоқ гапириш мумкин, албатта.

► *Давоми 2-бетда.*

# FOCUS ECONOMICS

***Иқтисодий таҳлиллар билан шуғулланувчи «Focus Economics» ташкилоти 2016 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми энг тез ўсадиган ва пасайиши эҳтимоли бўлган мамлакатлар рейтингини тузди. Ушбу рейтинг мазкур ташкилотнинг расмий Твиттер саҳифасида эълон қилинди.***

## «Focus Economics» рейтинги бўйича

**2016 йилда Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши +7,2 фоиз бўлиши кутилмоқда.**

**Ушбу рейтингда Ўзбекистон иқтисодиёти энг тез ўсаётган 15 мамлакат ўртасида еттинчи ўринни эгаллади.**

Ўз навбатида ЯИМ ҳажми пасайиши кутилаётган мамлакатлар рейтингида -4,8 фоизлик кўрсаткич билан Венесуэла биринчи, -0,3 фоиз билан Беларусь олтинчи, -0,2 фоиз билан Россия еттинчи, Украина эса ўн бешинчи ўриндан жой олган.

«Focus Economics» компанияси жаҳоннинг 127 мамлакати бўйича доимий равишда иқтисодий таҳлил ва прогнозлар олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йил июнь ойида Жаҳон иқтисодий форуми — «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган 13 давлат номини эълон қилган эди. Унга кўра, 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринни эгаллаган эди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

**2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

**ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни» мавзусида амалий семинар ўтказилди.**



## Фарзанд — оила қувончи, аёл — хонадон фариштаси

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, уларнинг самаралари ҳақида тўхталиб ўтишди. Аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, тиббий маданиятни кучайтириш масалаларида фикр-мулоҳазалар тингланди.

► *Давоми 2-бетда.*

**ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

## Тадбирлар таъсирчанлиги оширилади

**Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ва Узун туман партия кенгаши ҳамкорлигида семинар ташкил қилинди. Унда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларида фикр алмашилди.**

— Хотин-қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга эътибор қаратяпмиз, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Нилуфар Шаймаnова.** — Партиямиз сафидаги депутат аёллар, қанот етакчилари куч ва имкониятларини бирлаштириш тадбирларимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда вилоятимиздаги партиядошларимизнинг 37 фоизидан ортиғини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Ташаббускор ва янгиликка интилувчан аъзолар сафини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Тадбирда хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ташаббусларни кўпайтириш, бу борада ижтимоий шериклик ва ҳамфикрликни кучайтириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партиямиз тизимидаги хотин-қизлар фаоллигини оширишга бағишланган тадбирларни қишлоқ жойларда кўпроқ ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Семинар якунида фаол ва ташаббускор аёллардан бир гуруҳига ЎзХДП Узун туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



## Алишер Навоий девони

**Токиода нашр этилди**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

## УЛУҒ НИЯТ УЛКАН МАРРАЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

***Ёки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг асосий омиллари ҳақида***

***Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йили ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсгани таъкидланди. 2030 йилгача эса мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробарга ошириш ҳақидаги фикр ўртага ташланди...***

Маълумки, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деганда, муайян давр (чорак, йил) давомида муайян мамлакатда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар қийматининг йиғиндиси тушунилади.

Оддий сўзлар билан айтганда, ЯИМ ҳажмининг ортиши янги маҳсулот турлари яратилиши, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши, ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини ошириш, замонавий ихтисосликлар ва қўшимча иш ўринлари ташкил этилиши, янгидан-янги хизмат турлари пайдо бўлиши ҳисобига шаклланади. Натижада аҳоли реал даромадлари кўпаяди, турмуш даражаси юксалади, мамлакат иқтисодий қудрати мустаҳкамланади.

► *Давоми 3-бетда.*

## «Ўшанда раҳбаримиз ўғлимни, бутун оиламизни асраб қолган эди»

***Бу воқеа ўтган асрнинг 80-йилларида, баландпарвоз шиорлар авж олган, гап бошқа-ю, иш бошқа, пахта, план инсон қадридан юқори қўйилган замонда юз берган эди...***

4

**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

**2015 ЙИЛДА** ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА КОММУНАЛ СОҲАГА ОИД МАСАЛАЛАРДА 1500 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 144 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 19 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 13 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

**ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ**

■ Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлатимиз тараққиётида мазмун-моҳияти жиҳатидан бутунлай янги босқични бошлаб берди.

# Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат

## *ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш ҳар биримиздан катта масъулият, фидойиликни талаб этади*

**Президентимиз ўтган йили январь ойида парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида бундан роппа-роса ўн йил олдин таркибида депутатлар доимий равишда, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва шунингдек, ҳудудий вакиллардан иборат қонунчилик органи бўлмиш Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз ва ана шу мақсад бугун тўлиқ рўёбга чиққанини ишонч билан таъкидлади. Бунинг натижасида қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошгани, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланаётганига эътибор қаратилди.**



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ ва ЎзА олган суратлар.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти умумэътироф этилган демократик мезон ва қоидаларга қатъий амал қилинган ҳолда барпо этилаётганини нафақат сиёсатшунос олиму мутахассислар, шу билан бирга, халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва нуфузига эга ташкилотлар, дунёнинг энг ривожланган парламентлари вакиллари ҳам эътироф этмоқда, таъбир жоиз бўлса, тан олмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига ташриф буюраётган халқаро ташкилотлар, хориж давлатлари парламентлари делегациялари аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ҳам буни тасдиқлайди. Яқинда бир қанча давлатлар парламентлари делегациялари, хусусан, Франция Миллий Ассамблеясидаги «Франция — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Филипп Менье бошчилигидаги делегация аъзолари, Бельгия Қироллиги парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид Браке раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган учрашувларда мамлакатимиздаги парламент ислоҳотларига юқори баҳо берди. Жумладан, **жаноб Зигфрид Браке Ўзбекистоннинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» стратегияси билан жаҳон ҳамжамиятига яхши таниш эканини, ана шу аниқ стратегия асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон халқи ва давлатининг келажагида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.**

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: кўппартиявийлик тизими мустаҳкамланаётгани, парламентнинг давлат ҳокимиятини демократлаштиришдаги мавқеи ошаётгани ҳаётимизга, ислоҳотлар самарадорлигига қандай таъсир этмоқда? Юртимизда яшаётган одамлар учун бу ўзгаришларнинг аҳамияти ва зарурати нималарда кўриняпти?

### МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ ВА ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ

— Бу саволлар ҳақида бевосита фикр юритишдан аввал айрим масалаларга эътибор қаратишимиз керак, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилмурод Саъдуллаев.** — Маълумки, Конституциямизда давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши белгиланган. Бу тамойил бутун давлат ҳокимияти битта орган қўлида мужассам бўлишининг олдини олади.

Шу маънода, **Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлатимиз тараққиётида мазмун-моҳияти жиҳатидан бутунлай янги босқични бошлаб берди**. Мазкур Концепция асосида Конституциямизга (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимияти субъектлари — Президент — давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ваколатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

**Унга кўра, Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати механизми жорий этилди, Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди. Яъни, шулар орқали ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойили таъминланяпти, ўзаро тийиб туриш механизми юзага келяпти.**

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Ўтган йили Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракциялари Сайловолди дастури ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ушбу дастурга ўз муносабатини билдирди. Ана шу ўринда давлат ҳокимиятини демократлаштириш йўлидаги янгиликларнинг аҳамияти яққол кўринмоқда. Яъни, сиёсий партиялар сайловчилар, халқимизнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ўз таклифларини амалга ошириш имконига эга бўлмоқда.

Шунга мувофиқ равишда фракцияларнинг ҳуқуқий мақоми, хусусан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда фаолияти кафолатлари таъминланяпти. Парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари бўйича сиёсий партиялар фракцияларининг позициялари, таклифлари албатта ҳисобга олиняпти. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим принципиал масалалари юзасидан фракциялараро рақобат кучаймоқда.

### ҲАЁТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР, ОНГДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этмоқда, жорий йилдан эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳокимларнинг амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар билан боғлиқ ҳисоботлари тингланяпти.** Айни мана шу жараёнларда сизу биз, барча фуқаролар учун муҳим бўлган ижтимоий *(режалаштирилган турли лойиҳаларнинг бажарилиши, соғлиқни сақлаш тизими ва тиббий хизмат сифати, таълим масканларининг моддий-техник базаси, ёшларни ишга жойлаштириш, коммунал хизматлар ҳолати каби)* масалалар депутатларнинг сайловчилардан олган маълумотлари, таклиф ва мулоҳазалари асосида чуқур муҳокама қилиняпти. Шунга қараб, маҳаллий ҳокимликлар ишига ўзига хос баҳо бериляпти. Бу эса ҳокимликлар мутасадди раҳбарларининг ҳудуд жамоатчилиги олдида масъулиятини кучайтиришга хизмат қиляпти.

Яна бир муҳим томони шундаки, сиёсий партия фракциялари, маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари жорий йилда бутун мамлакатимизда, туман ва шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда ижро ҳокимияти томонидан қандай ишлар, қанақа лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилгани ҳақида батафсил маълумотга эга бўляпти, сайловчиларни ҳам хабардор этяпти. Бу парламентнинг Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий Кенгашларнинг ҳокимликлар фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини изчил йўлга қўйишида, одамларнинг ўзи яшаётган ҳудуддаги ҳаётдан, ўзгаришлардан хабардорлиги ва дахлдорлиги ошишида долзарб аҳамиятга эга бўляпти. Энг муҳими, шу тариқа жойларда режалар ва саъй-ҳаракатлар, фуқароларимизнинг хоҳиш-истаклари ва интилишлари ўзаро уйғунлик касб этиб боряпти, ягона мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиш ҳисси юксалмоқда. Катта-кичик раҳбарлар, депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари, сиз билан бизнинг фикримиз, демократик ислоҳотларга муносабатимиз, дунёқарашимиз ўзгаряпти. Зеро, буни ҳаёт тақозо қиляпти.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилиш учун жуда муҳим бир шартни унутмаслигимиз даркорлигини яна бир бор таъкилади. **Яъни, демократия йўлига киришимиз, аввало, аҳолимизнинг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиқлар ва қолиплардан воз кечишимизни сўзда эмас, кундалик ҳаётимизда таъминлашни талаб қилади.**

Маърузада, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда парламент фаолиятини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш бўйича миллий парламентимиз олдида турган долзарб вазифалар кўрсатиб берилди. Ушбу кенг қамровли вазифаларни бажариш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш парламент аъзолари, сиёсий партиялар ташкилотлари, шунингдек, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросидан катта масъулиятни талаб этади. Буни чуқур англаб, бир тан, бир жон бўлиб астойдил меҳнат қилинса, ҳеч кимдан кам бўлмаган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини бунёд этиш ишларига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

■ **ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

**Шу кунларда Бухоро вилоятида депутатлар ўз сайлов округи аҳолиси билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқда. Уларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.**

# Депутат ва сайловчи мулоқоти

Жумладан, **20-Вобкент сайлов округидан сайланган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Олим Бақоев** ҳам ўз сайлов округи ҳудудида учрашув ўтказди. Унда сайловчилар турли саволлар билан мурожаат қилишди. Бандлик ҳамда банкдан кредит олиш масалаларида маслаҳатлар олишди. Шу билан бирга, коммунал ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида олиш чора-тадбирларини кучайтириш бўйича қатор таклифлар тушди. Ҳудудни ободонлаштириш масаласида ҳам атрофлича фикр алмашилди, мурожаатлар асосида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Масалан, аҳолидан тушган таклифлар билан маҳалла ва қишлоқлардаги кўчаларга электр энергиясини тежайдиган чироқлар, ҳудуддаги барча савдо шохобчаларига солиқ инспекторлари билан биргаликда тўлиқ тўлов терминаллари ўрнатилди. Ҳар бир маҳсулот нархини кўрсатадиган ёрлиқлар қўйилди. Эндиликда харидорлар терминали бор дўконларни қидириб, маҳсулотларнинг нархини сўраб юрмайдиган бўлди.

Депутат аҳоли вакилларининг саволларига атрофлича жавоб берди.

**Шоҳиста НАБИЕВА**

■ **ДАВРА СУҲБАТИ**

# Ҳамкорлик кучаймоқда

**Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорлигида «Барданкўл» қишлоқ фуқаролар йиғинида Соғлом она ва бола йили муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, касаба уюшма етакчилари ва ёшлар иштирок этди.**

— Республикамиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари оилада қизлар тарбиясининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди, — деди **Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси, ЎзХДП фаоли Нурмуҳаммад Рўзматов**. — Қиз боланинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етиши, мактабдан сўнг лицей ва коллежларда таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши муҳим масала. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада ота-оналар билан учрашув ва мулоқотлар ташкил қилишимиз, тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришимиз зарур.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар оналик ва болалик муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ишлар кўламини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ҳамкор ташкилотлар билан бирга қатор тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

**Латифжон МАНСУРОВ**

■ **2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

# Фарзанд — оила қувончи, аёл — хонадон фариштаси

**Гулшан АСАТОВА,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:**

— Ўтган йили шаҳар ва қишлоқлардаги 141 тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун давлат Бюджетидан қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Айниқса, олис ҳудудлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, қишлоқ врачлик пунктларини замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Айтиш керакки, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ва хизматларнинг мақбуллиги, юқори сифатини таъминлаш партиямиз Сайловолди дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда «Фаол аёллар» қаноти бу борада муҳим вазифаларни белгилаб олди. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни оширишга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бугунги семинар ана шу ишларимизнинг дебочаси бўлмоқда.

**Сурайё ЖАЛИЛОВА,**
**Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази етакчи мутахассиси:**

— Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботида 1990-2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоизга камайгани қайд этилди. Бунга, албатта, юртимизда оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳаётини енгиллаштириш борасида яратилган шарт-шароитлар натижасида эришилди. Бу ишларда марказимиз ҳам баҳоли қудрат иштирок этмоқда. Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, бу борада сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланишни изчил йўлга қўйиш доимий эътиборимизда. Аҳоли орасида ҳар ҳафта тиббий маданиятни ошириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Қизлар билан эрта никоҳ, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича мунтазам суҳбатлар уюштириляпти. Бу масалалардаги ҳамкорликка ҳар доим тайёрмиз.

**Каромат МЕЛИҚУЛОВА,**
**Учтепа туманидаги 25-оилавий поликлиника шифокори:**

— Шифохонамиз 30 минг нафарга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ёш оналар соғлиғини мустаҳкамлаш ва улар дунёга келтираётган фарзандлар саломатлигини олдиндан текшириб бориш доимий эътиборимизда. Шифохонада ёш оналарни тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча шароит бор. Ҳар 3-6 ойда ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Кўрик жараёнида аниқланган касалликларни режали муолажалар асосида даволаб борамиз. Менга қарашли ҳудудда 347 нафар туғиш ёшидаги аёл



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

истиқомат қилади. Улар ҳолатига қараб тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Соғлом фарзандлар дунёга келиши, аёлларнинг соғ-саломат юриши оиланинг, жамиятнинг бахти, деб ўйлайман.

Семинарда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари иштирок этди.

**Ғулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА 17 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 636 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ, ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

**ТАРИХ ВА ТАҚДИР**
**ЁКИ ЭЗГУ ИШЛАР УНУТИЛМАЙДИ**

«Ука, ўзингизни босинг, худо хоҳласа, ўғлингиз тузалиб кетади. Орзу ҳавасини кўрасиз...»

## «ЎШАНДА РАҲБАРИМИЗ ЎҒЛИМНИ, БУТУН ОИЛАМИЗНИ АСРАБ ҚОЛГАН ЭДИ»

*Бу воқеа ўтган асрнинг 80-йилларида, баландпарвоз шиорлар авж олган, гап бошқа-ю, иш бошқа, пахта, план инсон қадридан юқори қўйилган замонда юз берганди.*

**...Қуёш терак бўйи кўтарилган. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтган тош йўл жуда сокин эди. Онда-сонда от, арава, велосипед кўриниб қолмаса, жимжитлик. Йўл четидаги тут дарахтининг барглари сарғайган, кузнинг сўнгги ойи.**

**Шу пайт ёндош кўчадан шитоб билан катта йўлга чиқиб келган йигитнинг кўриниши ғалати эди...**



Суратда: Сирож ўғиллари Жаҳонгир ва Исломбек билан.

... Ўша воқеани ҳикоя қилаётган **Муҳаммадғози Қўлдошев ҳозир Чироқчи туман ободонлаштириш бошқармасида ишлайди.** У умр йўлдоши Марям Жумабоева билан аҳл-иноқ умргузаронлик қилиб келмоқда.

— Ўшанда 87-йилнинг 14-ноябри эди, — дейди Марямхон. — Фарзанд кутаётгандик, мен сариқ касал бўлиб қолдим. Далада ишлардим. Устимиздан самолёт заҳар пуркарди. Кўп одам сариқ бўлган эди. Аниқ эсимда, ўша куни қизим Шарофат касалхонада туғилганди. Ўғлим Сирож қаттиқ шамоллаб, касалхонага тушганини менга билдиришмаган.

— Ҳа, тўғри, — дейди рафиқасининг гапини маъқуллаб Муҳаммадғози. — Сирожнинг шамоллаб қолганини хотинимга билдирмадик. Ўзим касалхонага олиб чопдим. Ўшанда экскаваторчи бўлиб ишлардим. Маошнинг мазаси йўқ, амал-тақал қилиб ўғлимни касалхонага ётқизгандик.

**Болалар касалхонаси «Пахтакор» хўжалигидаги мослаштирилган иморатда жойлашган эди. Бир хонада тўрт-беш киши фарзандини олиб ётибди. Жуссам катта бўлгани учун ерга тўнимни тўшаб, озроқ мизғиб олардим.**

Ўғлимнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашар, иссиғи тушмас, базўр нафас оларди. Ҳозир ўша дўхтирнинг исмини эслолмайман, «Болангни олиб кет, энди тузалмайди», деди. Қанча ялиндим. «Бундай касални ҳеч ким тузата олмайди, иккита ўпкаси қаттиқ шамоллаган, томоғи шишиб кетган, кеч олиб келгансанлар», деди қўпол оҳангда. Гапи жонимдан ўтди. Ўғлимни бағримга босдим, ўрнига ётқизиб, палатадагилардан қараб туришини сўрадим. Уйга бориб, отамни олиб келишим керак эди. Касалхона ҳовлисидан чиқиб, катта кўчага отилдим. Қани энди бирор улов кўринса. Бир-икки машина тўхтамай ўтиб кетди. «Дод» дегим келади. Чўнтагимга қўл солсам, битта йигирма беш сўмлик пулим бор экан, уни баланд кўтариб, йўлнинг четида бор овозим билан қичқира бошладим. Рости, ўша пайтда нима қилаётганим, нима деганимни англаёлмайман. Мундоқ ўйласам, юрагим ёрилишга келган, нуқул қичқириб, ёрдам сўраганман. Ахир, ўшанда йигирма бир ёшда эдим... Бир пайт оппоқ «Волга» машинаси олдимга келиб тўхтади. Шошилиб ҳайдовчининг ёнига ўтириб, қўлимдаги пулни унга тутқаздим. «Жон ака, ёрдам беринг», дедим.

Ҳайдовчи кулимсираб, ортига бурилди. Беихтиёр мен ҳам ўгирилдим. Қарасам, истараси иссиқ, ўрта ёшли киши ўтирибди. У елкамга қўлини қўйиб: «Нима бўлди ука, қандай ёрдам керак?» деди. Анграйиб қолдим, хижолат тортдим. Ким экан, бу киши, деб ўйладим... Ўзимга кела бошладим. «Додиқ қишлоғиданман, тракторчиман. Ўғлим касалхонада жон бераяпти. Дўхтирлар энди иложи йўқ, дейишди. Хотиним сариқ бўлиб, шифохонада ётибди. Мени ҳов катта буримгача олиб бориб қўйсангиз», дедим зўрға. У киши «Ука, ўзингизни босинг, ўғлингизнинг исми нима, деб сўради. Сирож дедим. «Худо хоҳласа, тузалиб кетади». Орзу ҳавасини кўрасиз», деди. Кейин қишлоғимизга буриладиган чорраҳага тушириб кетди. Тутқизган пулимни қайтариб чўнтагимга солиб қўйди. Раҳмат ака, мендан қайтмаса, худодан қайтсин, дедим.

Отамни олиб, кажавали мотоциклда касалхонага етиб борганимизда, орадан тўрт — беш соат ўтган эди. Аммо ўғлимни олдига киргизишмади. Касалхона қандайдир нотинч эди. Қарши, Шаҳрисабздан дўхтирлар келишибди. Уч-тўрт кун ухламаганман боламга қараб, ҳолимни сезиб, алоҳида бир хонага киритишди, олдимга чой-нон қўйишди. Аммо томоғимдан овқат ўтармиди. Отамни хонада қолдириб, касалхона ҳовлисига, ундан катта йўл бўйига чиқдим. Роса ҳориганман. Қари тол тагидаги омонат ўриндиққа ўтирдим. Шу пайт тол ёнидаги гўшт дўкони сотувчиси олдимга келиб, «Янги обкомимиз билан танишмисан?», деб сўради. Ҳайрон турганимни кўриб, «Боя Ислом Каримовнинг машинасига миниб кетдингку», деди овозини кўтариб. Рости, энди юрагимга ваҳима тушди. «Сирожга нима зарур бўлса, олиб беринг», деган гапларини эсладим. Чўнтагимни пайпаслаб бор пулни чиқарсам, икки юз сўм экан. Қаранг, бир юз етмиш беш сўм қўшиб бериб кетибди. Мен ёш эдим, оқ — қорани танимасдим, гангиб қолгандим.

**Ислом Каримов ўшанда ўғлим ҳақида соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарларига айтган экан... Кўп ўтмай Самарқанд ва Тошкентдан ҳам малакали шифокорлар етиб келишди. Бир ҳафтадан кейин ўғлим тузалди, касалхонадан уйга олиб келдик.**

— Мен бу воқеаларни кейин эшитдим, — дейди Марямхон киприкларига инган ёшларни рўмолининг учи билан артаркан. — Ахир тўнғичим Сирожга бир нима бўлса, мен адо бўлардим, касалхонада туққаним Шарофат қизим ҳам яшаб кетмаслиги мумкин эди...

Мана, йиллар ўтди бу оилада икки ўғил, уч қиз улғайди. Сирож тадбиркор, укаси Шавкатжон ички ишлар ходими бўлди. Қизлар турмушга чиқишди.

— Сирожнинг тўнғич ўғли — неварамиз Жаҳонгир билан боғлиқ бир воқеани айтмасам бўлмас, — дейди Муҳаммадғози. — Жаҳонгир икки ёшга кирганда суннат тўйини ўтказадиган бўлдик. Очиғи, оиламизнинг энг бахтли кунлари эди. Шунда юрагимга тугиб юрган ниятимни амалга оширдим — Президентимизга ўғлимиз Сирожни ҳаётини сақлаб қолгани ҳақида ёзиб, миннатдорлик билдирдим. Ҳеч кутмагандик. 2010 йилнинг 3 августида раҳбаримизнинг вакили келиб, Юртбошимизнинг совғаларини топширди. Қарангки, у киши бизни эсдан чиқармаган экан. Ўша куни, тўғриси, кўз ёшимни тўхтата олмадим.

Қаранг, ният холис бўлса, албатта амалга ошаркан. Агар иккинчи набирам ҳам ўғил туғилса, исмини Исломбек қўяман, деб дилимга тугиб юрардим. Худога шукр, ниятимга етдим...

Биласизми, ўшанда раҳбаримиз ўғлимни, бутун оиламизни асраб қолган эди. Буни умримнинг охиригача унутмайман...

**Юнус УЗОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

### ХАБАРЛАР

**Алишер Навоий 24 ёшга кирганида унинг шеърларини мухлислари йиғиб, девон тузишган. Ушбу девонни фотонусхасини 1968 йилда навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов юртимизга олиб келиб, чоп эттирган. Бу ҳақда AlisherNavoiy.uz сайтида хабар берилган.**

## Алишер Навоий девони

**Токиода нашр этилди**



2008 йилда Навоийнинг яна бир девони топилди. Мазкур девонга ҳам 1471 йилда шоирнинг мухлислари тартиб берган. Фарқли жиҳати, бу девон Хуросонга чегарадош бўлган мамлакат – Оққуюнлилар салтанатида тайёрланган ва ундаги шеърлар қарлуқ лаҳжасидан ўғуз лаҳжасига мосланган. Девонни ўз даврининг таниқли хаттоти Абдураҳим Хоразмий кўчирган.

Мазкур девонни юртдошимиз, атоқли олим Афтондил Эркинов Токиода нашр эттирди. Китобдан Навоийнинг 1465-1471 йилларда ёзилган асарлари ўрин эгаллаган.

Девон шартли равишда «Оққуюнли мухлислар девони» деб номланди. Китобнинг кириш қисмидан ўрин олган ўзбек, рус, инглиз тилларидаги илмий мақолада Алишер Навоий ижоди ва мазкур девоннинг тузилиши ҳамда топилишига доир муҳим маълумотлар келтирилган.

## Бадиий гимнастика саройи

**фойдаланишга топширилди**

***Қарши шаҳрида муҳташам бадиий гимнастика спорт саройи барпо этилди. Унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Бу ҳақда «Қашқадарё» газетаси сайти хабар бермоқда.***

Мазкур объект қурилишига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қарийб 8,2 миллиард сўм сарфланди. Ушбу сарой мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган асосий спорт зали ҳамда иккита машғулотлар залини ўз ичига олади. Унда мураббийлар ва тиббиёт ходимлари учун ҳам алоҳида хоналар мавжуд.

Тантанали маросимда вилоят ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этди.

**ЎзМУ талабаси**
**Барчиной**
**ҲАМИДУЛЛАЕВА**
**тайёрлади.**

## Бизни соғинтирган қор!..









Санжар ШОТЎЛАГАНОВ, Фарруҳ АЛИЕВ ва ЎзА олган суратлар.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## «АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»




***Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг, шунингдек, хўжалик судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада takомиллаштириш мақсадида «Адолат – қонун устуворлигида» деб номланган танловни эълон қилади.***

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган хўжалик судлари тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий хўжалик суди матбуот котибига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2016 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади. Танлов 23 декабрда якунланиб, ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

**Танлов ғолиблари:**

**1-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг I-даражали дипломи ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофоти;

**2 та 2-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг II-даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;

**3 та 3-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг III-даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Олий хўжалик суди биноси.**
*Телефон: +998971 273-94-82 , электрон почта — press@oxs.uz*




**ОБ-ҲАВО** 30-31.01 — 2016

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| Ҳудуд | Тун | Кун |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -3 / -8 | 0 / +5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -2 / -7 | 0 / +5 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | -2 / -7 | +2 / +7 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | 0 / -5 | +5 / +10 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | 0 / -5 | 0 / +5 |
| Тошкент шаҳри | -3 / -5 | +2 / +4 |



**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +8 / +14 |
| Париж | +11 / +15 |
| Москва | -3 / -3 |
| Мадрид | +14 / +14 |
| Пекин | +21 / +25 |
| Канберра | +16 / +18 |
| Рим | +16 / +16 |
| Афина | +17 / +16 |
| Токио | +9 / +9 |
| Стокгольм | +5 / +2 |
| Кейптаун | +29 / +36 |
| Қоҳира | +18 / +19 |
| Гавана | +25 / +25 |
| Вашингтон | +7 / +11 |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17390 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi – 220
t – Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 02.10
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5